

№7 (3) 2023

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL**

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 7 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойкулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Үрманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент аҳборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шохида Зайнине вна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик
Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Usmonov Axrorjon Rustamjon o'g'li</i>	
AMALIY SAN'AT BILAN BOG'LIQ NOMODDIY MADANIY MEROSLAR	9-15
<i>Zoqidov Қобилжон Тоиржонович</i>	
ИЛК АРАБ-МУСУЛМОН ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА МАДИНА ШАҲРИНИНГ ЎРНИ	16-20
<i>Siddiqov Mirshod Baxtiyorovich</i>	
SOVET HOKIMIYATINING QORAQALPOG'ISTON ASSRDA IJTIMOIY TA'MINOT SIYOSATI	21-26
<i>Хайназаров Баҳромжон Баҳтиёрович</i>	
КАСПИЙОРТИ ВИЛОЯТИДА ТУБ БЎЛМАГАН АҲОЛИ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЖОРӢЙ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ)	27-32
<i>Мансуров Музаффаржон Шарифжон ўғли</i>	
СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ТУРИЗМ ТАРФИБОТИДА ТУТГАН ЎРНИ	33-41
<i>Bobodustov Bobur Mirzaboyevich</i>	
ZARAFSHON DARYOSIDAGI SUV AYIRG'ICH TIZIMLARINI TA'MIRLASHGA ROSSIYA IMPERIYASI MA'MURIYATINING MUNOSABATI	42-47
<i>Саидбобоева Гулзора Нематжоновна</i>	
XX АСРНИНГ 30-50-ЙИЛЛАР ДАВРИЙ МАТБУОТ МАТЕРИАЛЛАРИ – РЕСПУБЛИКАНИ ЭЛЕКТРЛАШТИРИШГА ОИД МАНБА	48-55

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Казаков Олим Сабирович</i>	
ЕТАКЧИЛИК ТАЪСИРИДА БОШҚАРУВНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ	56-60
<i>Utkirov Abbos Meyliyevich</i>	
CHALLENGES IN IMPLEMENTING TQM IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS	61-67
<i>Umronov Eldorbek Sodirovich</i>	
TURISTIK KORXONALAR DOIRASIDA TADBIRKORLIK FAOLIYATINI TASHKIL ETISH VA RIVOJLANTIRISHNING IQTISODIY ASOSLARI	68-76
<i>Норбоев Аллаёр Исмоилович, Тулкинов Гайрат Кадирович</i>	
ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ И НАПРАВЛЕНИЯ МЕНЕДЖМЕНТА В РАЗВИТИИ МОЛОДЁЖНОГО ТУРИЗМА	77-82
<i>Xolmurotov Fozil Saribayevich</i>	
MINTAQADA AHOLI TURMUSH FARAVONLIGINI OSHIRISHDA QISHLOQ XO'JALIK MAHSULOTLARINI YETISHTIRUVCHI SUBYEKTLAR RO'LINI BAHOLASH	83-91
<i>Худайназарова Диляром Хайруллаевна</i>	
ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	92-100

Ғойипназаров Санжар Баходирович
СУНЬЙИ ИНТЕЛЛЕКТНИ ЖОРӢӢ ЭТИШ НАТИЖАСИДА МЕҲНАТ БОЗОРИДАГИ
ЎЗГАРИШЛАР 101-110

Baxtiyorov Asrorbek Azizjon o'g'li
BANK MENEJMENTI ASOSLARI, UNING IQTISODIY MOHIYATI 111-119

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Юлдашев Фарруҳ Абдураҳманович
АҲБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЭҲТИЁЖ ВА МАНФААТЛАРНИНГ ЎЗАРО УЙГУНЛИК
ХУСУСИЯТЛАРИ 120-126

Tojiboev Sarvar Pўлатжон ўғли
ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ 127-132

Ismatov Shohruhbek Murod o'g'li
YANGI O'ZBEKISTONDA IJTIMOIY DAVLAT BARPO ETISH VA UNING G'OYAVIY MAFKURAGA
ASOSLARI 133-137

Abdullayev Temur Bobir o'g'li
TIL VA TAFAKKUR DIALEKTIKASINING BILISH JARAYONIDAGI ROLI 138-143

Islamov Kamol Tashkulovich
UYG'ONISH DAVRI DUNYOQARASHIDA DINIY VA DUNYOVİY YONDASHUVLAR
NISBATI 144-150

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Isanova Feruza Tulqinovna
O'ZBEK TILI XALQARO HUQUQ SOHASIGA OID LEKSIK BIRLIKALARINING FUNKSIONAL
XUSUSIYATLARI 151-160

Ro'ziyev Elbek O'rol o'g'li
AMIR TEMUR VA TEMURIY HUKMDORLAR YORLIQLARIDA SIYOSIY NUTQ SHAKLLARINING
QO'LLANILISHI 161-167

Мухамедова Феруза Баҳодир кизи
ФОРМИРОВАНИЕ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ СИСТЕМЫ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ
А. КИМА 168-174

Abdullayev Ikramjon Xashimjanovich
TILSHUNOSLIKDA SO'Z VA SO'Z TURKUMLARI: TADQIQI VA TAVSIFI 175-180

Tagayeva Sayyora Ulashovna, Inoyatillo Ozoda
FIZIKA FAKULTETI TALABALARIGA NEMIS TILINI O'QITISHDA INNOVATSION
METODLARNING QO'LLANILISHI 181-185

Egamberdiyeva Mohidil Gulomjon qizi
MADANIYATLARARO MULOQOTDA NUTQIY ETIKETNING ANTROPOSENTRIK
TADQIQI 186-190

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Жавлиев Нурали Баходирович</i> МАЪМУРИЙ-ХУҚУҚИЙ НИЗОЛАР ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУН-МОҲИЯТИ	191-195
<i>Узакова Гўзал Шариповна</i> БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҶСАДЛАРИГА ЭРИШИШДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ (ХУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ)	196-204
<i>Usmanov Alisher Tolmasovich</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA MA'MURIY HUQUQBUZARLIK TO'G'RISIDAGI ISHLARNI YURITISHNING SODDALASHTIRILGAN TARTIBI: MUAMMOLAR VA TAKLIFLAR	205-213
<i>Авезова Элеонора Паракатовна</i> РАВНОЕ ПРАВО ГРАЖДАН НА ПОСТУПЛЕНИЕ В ГОСУДАРСТВЕННУЮ ГРАЖДАНСКУЮ СЛУЖБУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН	214-218
<i>Муқумов Бобур Мелибод угли</i> ОЦЕНКА РЕГУЛИРУЮЩЕГО ВОЗДЕЙСТВИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ ПО ИСПОЛЬЗОВАНИЮ ТЕХНОЛОГИЙ БЛОКЧЕЙН. СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ	219-224
<i>Туракулова Назира Абдишукуровна</i> СТАРТАП ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТУЗИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ: ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ НУҚТАИ НАЗАРИДАН	225-232

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Хўжамкелдиев Faфур Султон ўғли</i> СПОРТ МАШФУЛОТЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИДА ТИКЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ	233-237
<i>Aziz Xasanovich Rajabiy</i> BO'LAJAK VOKAL O'QITUVCHILARINING INTELLEKTUAL-IJODIY FIKRLASH QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISH	238-242
<i>Malikova Sevar Samatovna</i> BO'LAJAK XOR RAHBARLARINING IJODIY QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISH	243-246
<i>Васильченко Ольга Анатольевна</i> ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ ВОКАЛЬНО-ХОРОВЫХ НАВЫКОВ	247-251
<i>Xojimurodova Mahliyoxon Kenjavoy qizi, Inomov Faxriddin O'rmonjonovich</i> AN INNOVATIVE APPROACH TO THE DEVELOPMENT OF STUDENTS' MOVEMENT SKILLS AND COMPETENCIES IN PHYSICAL EDUCATION CLASSES	252-257
<i>Асадуллаева Наргиза</i> БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁННИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ	258-265
<i>Mamadova Feruzaxon Mirzaaxmad qizi</i> BO'LAJAK JISMONIY MADANIYAT MUTAXASSISLARINING PEDAGOGIK MADANIYATI VA КОМПЕТЕНСИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРISHNING PEDAGOGIK MODELI	266-272

<i>O'ktamova Navruza Botir qizi</i> BO'LAJAK JURNALISTLARGA INGLIZ TILINI O'QITISHDA SOTSIOLINGVISTIK KOMPETENSIYANI TAKOMILLASHTIRISH (SIYOSIY-IJTIMOIY MATNLAR MISOLIDA)	273-277
<i>Numonjonov Shohzodbek Dilshodjon uғli</i> OLIY TEHNIKA TA'LLIMIDA MEХNAT MUХOFAZASI VA TEHNIKA XAVFSIZLIGI KOИDALARINI ЎҚITISHDA ЭLEKTRON METODIK ASOSLARNING ILMIIY AҲAMIAHYI	278-287
<i>Xuramov Ilxom Panjiyevich</i> PROFESSIONAL TA'LIM TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH YUZASIDAN ISLOHOTLARNI JADALLASHTIRISH VA KASBIY KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH	288-292
<i>Azizbek Umarov</i> MEDIATA'LIM – TALABALARNING MEDIA MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHGA YO'NALTIRILGAN FAN TARMOG'I SIFATIDA	293-299
<i>Saidova Zilola Gadoymurodovna</i> TA'LIM INTEGRATSIYASINING AYRIM MASALALARI	300-307
<i>Raxmonova Gulrux Ulashevna</i> O'ZBEK XALQINING MILLIY HARAKATLI O'YINLARIDAN JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA SAMARALI FOYDALANISH YO'LLARI	308-312
<i>Boynazarova Sayyora Ruzikulovna</i> BIOLOGIYA O'QITUVCHISI KASBIY KOMPETENSIYALARI VA KOMPETENTLIGINI MONITORING QILISHNING MAVJUD METODIKASI VA UNI TAKOMILLASHTIRISHNING NAZARIY ASOSLARI	313-317
<i>Shermuhammadov Bahodirjon, Xasanova Ozodaxon Qurvonali qizi</i> MDH OLIMLARI TOMONIDAN CHET TILLARNI O'RGANISHDA UCHRAYDIGAN XATOLAR MAVZUSIDA OLIB BORGAN TADQIQOTLAR TAHLILI	318-323
<i>Abdusalimova Nargizaxon Olimjon qizi</i> MAKTAB TA'LIM TIZIMIDA STEAM TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANIB FIZIKA DARSLARINI TASHKIL ETISHNING AFZALLIKLARI	324-329
<i>Shafiyeva Elnara, Murotmusaev Komiljon Buribaevich</i> THE CHARACTERISTICS OF MENTAL HEALTH IN ELDERLY PEOPLE	330-349

07.00.00-Тарих фанлари

Мансуров Музafferjon Шарифжон ўғли
А.Авлоний номидаги миллий-тадқиқот
институти етакчи илмий ходими
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ ТУРИЗМ ТАРГИБОТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация. Тадқиқот мақсади Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда маданий туризмнинг туризм индустриясидаги ўрни ва аҳамиятини очиб беришдан иборат. Даврий чегараси 1924-1991-йилларни ўз ичига олади. Тадқиқот иши қиёсий-тадрижий, даврийлик методлари асосида хориж манбалари ҳамда Совет ҳокимияти йилларида нашр этилган газета ва журналлар маълумотлари таҳдил қилинган.

Калит сўзлар: туризм, маданий тадбир, фестивал, кўрик танлов, аския, концерт, симпозиум, туризм инфраструктуру.

Mansurov Muzaffarjon Sharifjon Ugli
Leading researcher of the National Research Institute
named after A. Avloniy, Doctor of Philosophy (PhD) in History

THE ROLE OF CULTURAL EVENTS IN TOURISM PROMOTION DURING THE YEARS OF SOVIET AUTHORITY

Abstract. The purpose of the research is to reveal the role and importance of cultural tourism in the tourism industry in Uzbekistan during the years of the Soviet Union. The time limit includes the years 1924-1991.

Key words: tourism, cultural event, festival, pageant, askia, concert, symposium, tourism infrastructure.

Мансуров Музafferjon Шарифжон угли
Ведущий научный сотрудник Национального
исследовательского института им. А. Авлоний,
доктор философских наук (PhD) по истории

РОЛЬ КУЛЬТУРНЫХ МЕРОПРИЯТИЙ В ПРОДВИЖЕНИИ ТУРИЗМА В ГОДЫ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ

Аннотация. Цель исследования - выявить роль и значение культурного туризма в туристической индустрии Узбекистана в годы существования Советского Союза. Срок включает 1924-1991 годы. Исследовательская работа анализировалась на основе сравнительно-поэтапного, периодического методов с опорой на зарубежные источники и газеты и журналы, издававшиеся в годы существования Советского Союза.

Ключевые слова: туризм, культурное событие, фестиваль, театрализованное представление, аския, концерт, симпозиум, инфраструктура туризма.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I7Y2023N05>

Маданий тадбир ва фестиваллар жаҳон мамлакатларида аллақачон алоҳида туризм тури сифатида фойдаланиб келинаётган бўлса-да, Ўзбекистонда бу борадаги мавжуд салоҳиятдан фойдаланишга анча кеч эътибор қаратилди. Бу тур сайёҳлар оқимининг ошишига хизмат қилиши билан бир қаторда маданиятлараро интеграциянинг ривожланишига олиб келади. Шунингдек, туризм имижининг шаклланишига хизмат қиласиди. Маданий тадбир ва фестиваллардан туризм мақсадида фойдаланиш бевосита Совет ҳокимияти йилларида шакллана бошлаганлиги туфайли ушбу даврда ўтказилган маданий тадбирларни туризмга таъсирини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Маданий тадбирларнинг туризмни ривожлантириши борасида маҳсус тавсияларнинг йўқлиги, хукуқий механизми шакллантирилмаганлиги натижасида туризмнинг алоҳида тури эмас балки ёрдамчи тармоқ сифатида шаклланган.

Совет ҳокимияти йилларида туризм жозибадорлигини ошириш мақсадида маданий тадбир ва турли фестиваллардан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қилинди. Жумладан, “Тошкент баҳори”, “Олтин куз” фестиваллари шулар жумласидандир. XX асрнинг 50 йилларидан мамлакатда кўпроқ маданий туризм турлари кенг ривожлана бошлади. Совет халқлари маданиятини хорижликларга намойиш қилиш мақсадида Ленинградда “Оқ кечалар” фестивали (21-29 июн), Сочида “Совет қўшиқлари фестивали” (17-29 сентябр), “Москва ўлдузлари” (5-13 май) халқаро фестиваллари мунтазам ташкил этилган. 1952-йили Фредерик Жолио Кюрининг таклифиға мувофиқ Бутун Жаҳон тинчлик кенгаси ибн Синонинг 1000 йиллик юбилейи халқаро миқёсида нишонланди. Тадбир доирасида Бухоро шаҳрида ҳам маданий тадбирлар ўтказилганлиги туризм соҳасига ижобий таъсир кўрсатган [1. 203.].

Туризм тарғиботида кино санъатининг ўрни ҳам катта бўлган. 1953 йилда Тошкент шаҳрида Чехославакия кино ҳафталиги давомида “Эртага ҳамма ерда рақс бўлади” бадиий фильми орқали Совет ҳокимияти туристик имкониятлари намойиш этилган. Фестивалда БАА ва Югаславия каби мамлакат кинолари ҳам намойиш этилган [2.]. Тошкент обlastida Тоҷикистон кино кунларида “Бир қизни учратдим”, “Рудакий”, “Олий вазифа”, “Насриддин Хўжандда”, “Инсон қиёфасини ўзгартирмоқда” каби фильмлар намойиш этилган [3.]. Маданий тур доирасида “Совет Иттифоқи гимни”, “Теримчилар қўшиғи”, “Сталин ҳақида қўшиқ”, “Совет Иттифоқига шон шарафлар бўлсин” қўшиқлари орқали социалистик тузум ютуқлари ва коммунистик ғоялар тарғиб қилинган [4.].

Туризм соҳаси ривожида ўзаро делегациялар алмашуви ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Туризм Совет ҳокимияти йилларида сиёсий ва маданий ходиса сифатида қаралганлиги туфайли ҳам ўзаро маданий мулоқот давлатлар ўртасида алоҳида аҳамиятга эга бўлган. 1954 йилнинг ўзида Ҳиндистон билан 6 марта делегация алмашилган ҳамда ҳинд актёрлари Ахмад Аббос, Раж Капур ва Наргиз Тошкентда илиқ кутиб олинган. Тошкент ва Самарқанд шаҳарларининг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилган [5.]. Совет ҳокимияти Ҳиндистон билан нафақат маданий соҳаларда, ҳатто илмий соҳада ҳам ўзаро мустаҳкам алоқа боғлаган бўлиб, бу орқали хориж мамлакатларнинг илмий ютуқлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга

бўлган. Жумладан, Тошкент давлат университети Мадорас ва Каликутта университетлари ўртасида илмий алоқалар йўлга қўйилган [8.].

Ўзбекистон тўғрисида хорижлик делегация иштирокчиларидан мажбурий ёзма ижобий таассуротлар олинган ҳамда улар матбуотда эълон қилиш орқали социализм тарғиботида кенг фойдаланилган. Жумладан, ёзувчи Эфуа Теадора Сатурленд эса (Гана) Тошкентнинг дўстлик ва тинчлик кўпригига айланганлигига алоҳида тўхталиб ўтган [6.]. Ж.Неру Ўзбекистон ва Хиндистон ўртасидаги саёҳат ва дўстликни олқишилаган [7.].

Афғонистон ва Ўзбекистон ўртасида маданий алоқалар кенгайган. Натижада Афғонистондан Тошкентга бир гурух журналистлар келган бўлса, Ўзбекистон делегацияси Қобулда бўлган. Делегация таркибида Тамараҳоним ҳам бўлиб Қобул шаҳрида 7 кун давомида концерти ташкил этилган. Шунингдек, 1958-йилда Афғонистон мустақиллик куни муносабати билан ўзбек артистлари чиқишилари ҳам уюштирилган [9.61.].

1959-йил 2-сентябрда Ўзбекистонда Осиё ва Африка мамлакатлари кооператорларининг семинарига Вьетнам, Гана, Хиндистон, Ироқ, Камбоджа, Кипр, Хитой Халқ Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси, Мўғилистон Халқ Республикаси, Цейлон ва Япониядан келган вакиллар иштирок этган ва улар Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёҳат қилган [10.].

1960-йил 21-22-июн кунлари Тошкент шаҳрида афғон артисти Хиёл, Абдул Жалил Золланд, Муҳаммад Ёқуб Қосим концерт дастури бўлиб ўтган ҳамда Ўзбекистонлик мухлислари томонидан илиқ кутиб олинган [11.]. СССРнинг 50-йиллиги олдидан барча областларда санъат фестиваллари ўтказиб келинган. Жумладан, “Кўшиқ айтувчи поезд” таркибидаги 170 нафар “Лазги”, “Шодлик” ва Қорақалпоғистон ансамбллари, Фарғона водийсидан аскиячилар яккахон эстрада юлдузлари Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Сирдарё сингари областларда концерт дастурларини намойиш этган. [12.].

Ўзбек цирк усталари дарбоз Э.Тошкентбоев, чавандоз К.Зарипов, қизиқчи А. Юсупов Латвия, Тюмень, Красноярск, Хабаровск, Ураль, Кемерово, Омск, Челябинск, Магнитогорск шаҳарларида гостролда бўлган ҳамда ўзбек санъатини тарғиб қилган бўлса [13.], Дехли шаҳрида Африка ва Осиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг аъзоси бўлган Ўзбекистон ССР халқаро виставкада ўз экспозициясида зардўзлик буюмлари, хонатлас намойиш қилишган [14.]. Таллин шаҳрида 1869-йилдан буён хар беш йилда бир нишонланадиган кўшиқ байрамида наманганлик 280 кишидан иборат туристлар СССР – Польша – ГДР – СССР йўналиши бўйлаб саёҳатга чиққан. Мехнаткашлар учун путёвкалар касаба уюшмалари томонидан текин берилган. Таллин шаҳри тарихий меъморий ёдгорликлари билан сайдёхларга маъқул келган [15.].

Ўзбекистонда Эстония адабиёти ва санъати декадаси давомида эстонияликлар Сурхондарё ва Қашқадарёнинг тоғли минтақалари ҳамда Толимаржон ва Қаршига саёҳат қилган [16.]. Ўзбекистон ССР фақат беш йил (1959-1963 йил) ичида 100 га яқин халқаро кўргазма ва ярмаркаларда қатнашиб, ўзининг кўп тармоқли индустрияси маҳсулотлари билан хорижликларни ҳайратда қолдирган [17.446.].

1964 йилда Тошкентда “Саноат комплексларининг роли ва иқтисодий ривожланиш” масаласига бағишиланган халқаро семинарда Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг 27 мамлакат вакиллари қатнашган. БМТнинг яқунловчи қарорида

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маданий тараққиёти алоҳида таъкидлаб ўтилган. Семинар иштирокчилари Тошкентдаги диққатга сазовор жойлар ҳамда совет давлати ютуқлари билан таниширилган [18.27.].

Совет ҳокимияти йилларида аҳолининг миллий қадриятларини унудиши ва интернационал миллатни шакллантириш мақсадида алкогол маҳсулотлар тайёрлашга алоҳида аҳамият қаратилган. Бу айниқса динга қарши самарали кураш қуроли бўлган. 1965-йилда Ўзбекистон Лейпциг, Брюссель, Техрон, Измир, Солоники, Дамашқ, Загреб, Рангун, Лондон, Будапешт ва бошқа шаҳарлар кўргазма ҳамда ярмаркаларида қатнашган. Самарқандда тайёрланган “Ширин”, “Гулакандоз”, “Буваки” ва “Ўзбекистон” маркали винолари Монреалда медаллар билан мукофотланган [18.33.].

Польша ва Ўзбекистон ўртасида маданий ва туризм соҳасида алоқалар анча мустаҳкам бўлиб, 1961-йил сентябрь-октябрь ойларида Варшава шаҳрида “Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон” декадаси бўлиб ўтган. Польша Республикасида 1966-йилда Варшавада нашр этилган “500 факт ва рақам” асарида Ўзбекистон ҳақида қизиқарли маълумотлар баён этилган. Бу орқали Ўзбекистон билан яқиндан танишиш имконини берган. Таниқли поляк журналисти Здислав Новак 1975-йилда Ўзбекистонга қилган саёҳатлари асосида 5 та китоб ва 50 дан ошиқ мақолалар ёзган [19.643.].

Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисидаги қарор КПСС Марказий Комитети томонидан 1966-йил 28-декабрда қабул қилинган. Шу муносабат билан Опера ва балет театри, Улуғбек обсерваторияси, Афросиёбдаги меъмориал музей, “Боғишамол”, “Самарқанд” ва аэропорт меҳмонхоналари барпо этилган [20.]. Самарқандда туристлар Совет ҳокимияти даврида юз берган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар билан таниширилган [21.].

Осиё Африка мамлакатлари биринчи халқаро Тошкент кино фестивали 1968-йил 21-31-октябрь кунлари бўлиб ўтган. Фестивалда 31 мамлакатдан 60 дан зиёд бадиий ва 46 та ҳужжатли фильмлар намойиш этилган. Шунингдек, “Ленинград революция бешиги” “Ленин Разливда”, “Областимиз тарихий ёдгорликлари” “Туристлар республика бўйлаб” стендлари ташкил этилган [22.]. Украин ҳужжатли фильмлар студияси ижодкорлари томонидан Бухоро области Навоий шаҳри тўғрисида “Дўстлик йўллари бўйлаб” фильм Самирқанд шаҳри Регистон майдонида намойиш этилган [18.28.].

1969-йили Самарқандда Темурийлар давридаги санъатга бағишлиланган ЮНЕСКОнинг симпозиуми [17.461.] Ўрта Осиё халқларининг темурийлар даври санъатига бағишлиланган [17.365.]. Самарқанддаги рассом ва хайкалтарошлар асарлари Саудия Арабистони, Афғонистон, Чехословакия кўргазмаларида намойиш қилинган [23.]. Самарқандда юбилей муносабати билан 20 хилда значоклар тайёрланган. Улуғбек расадхонаси акс эттирилган значокларда ўзбек, рус, инглиз тилида “Самарқанд 2500” сўzlари ёзилган. 60 хил ҳунар эгалари бир кунда 2300 дона турли сувенир буюмлар тайёрлаган. Жумладан, Самарқанд шойи фабрикаси “Регистон” номли газлама, “Тонг”, “Феруза”, “Байрам” номли бахмал, Наманганд “Атлас” фабрикалари эса “Хонатлас” номли янги газлама, Тошкент чинни заводи “Регистон қўёши” номли чинни буюмлар тўплами, Тошкент атторлик фабрикаси Самарқанд рамзи туширилган сумка, ишлаб чиқарган [24.61,62.]. Сайёхлик салоҳиятини намойиш қилиш мақсадида “Самарқанд доим мен билан”, “Самарқанд савдо шаҳри”, “Самарқанд осмонидаги юлдузлар”, “Африосиёбнинг қадимији тепаликлари”, “Регистон”, “Шоҳизинда” сингари

хужжатли фильмлар инглиз, рус, француз тилларида тайёрланди ҳамда хориж мамлакатлари телевидениеларида намойиш этилган [18.27.].

1970 йилда Тошкентда БМТнинг “Саноат хизматини ташкил қилиш ва бошқариш” муаммосига бағишиланган халқаро семинарда Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг 29 мамлакати иштирок қилган [18.30.]. 1972 йил июнь ойида бўлиб ўтган иккинчи Кино фестивалда жами 62 мамлакатдан 500 нафардан ошиқ кино соҳаси вакиллари иштирок этган. Венгер кинорежисёри Йожеф Кишнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хивада суратга олинган “Ўзбек таронаси” фильмни ўзбек маданияти ва туризм имкониятларини хорижликларга намойиш қилиш имконини берди [25.].

Москвада ташкил этилган Бутун иттифоқ қўргазмалар залида Ўзбекистоннинг Қизилқум, Зарафшон ва Зарабулоқ геология қидирув ишлари натижалари “Нефть ва газ” повилиони қудуқларнинг бурғилаш ва пармалаш натижалари қўргазмаларда фото лавҳалар намойиш этилган ҳамда қўргазма иштирокчиларида катта таассурот қолдирган [26.].

1971 йил 27-сентябрда Тошкент шаҳрида Қозогистон адабиёти ва санъати декадаси ўтказилган. Қурмонғози номли халқ чолғу ансамбли, “Олмаота ёш балети”, “Гулдер” ашула ва рақс ансамбли Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб гостроль сафарларида бўлган. СССР халқ артистлари Роза Жаманова ва Ермек Каркабоев концерт дастурлари манзур бўлган [27.]. Хоразм области театр санъаткорлари Б.Отажонов раҳбарлигида Мирзачўлда гастролда концерт дастурлари ташкил этилган [28.3.].

1974 йил 20-30 май кунлари бўлиб ўтган фестивалда Аргентина, Бразилия, Боливия, Венесуэла, Панама, Перу каби 80 дан ортиқ давлатлар меҳмон сифатида иштирок этган. 1976 йил 19-29 май кунлари бўлиб ўтган фестивалда эса 109 та давлат ва хорижий ташкилот вакиллари иштирок этган. 1978 йил 23 май 1 июн кунлари бўлиб ўтган фестивалда “Тошкент билан учрашув” ва “Шарқда бир шаҳар бор” ҳужжатли фильмлари орқали Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти янада кенг тарғиб қилинган [29.].

1974 йилда Тошкентда Будапешт опера ва балет театри солистларининг концерти бўлиб ўтган. 1977 йилда эса Тошкентда Польша драматургиясининг фестивали ўтказилган. Осиё ва Африка кино фестивалида 49 мамлакат, Европа, Америка мамлакатлари, БМТ ва ЮНЕСКО ҳам иштирок этган [30.]. Жавоҳарлал Неру кино халқ билан алоқа ўрнатишда мухим восита бўлишини айтиб ўтган. Лаъл Баходир Шастири эса кинони “пропаганданинг яхши формуласи сифатида таърифлаган [31.]. Ўзбекистон киноматографлари томонидан Тошкент IV халқаро кино фестивалида “Оловли соҳил”, “Ўзбекистон 75”, “Осмонни кафтингда тут”, “Тошкент жасорати”, “Инсонларга қувонч бағишила” фильмлари тақдим этилган. Ушбу фильмлар орқали хорижлик кино муҳлисларига Совет Иттифоқининг улкан бунёдкорлик фаолияти ҳамда коммунистлар жасорати кўрсатилган [32.]. “Тинчлик социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун” шиори остида Тошкентда 1976 йил 19-29 май кунлари бўлиб ўтган III халқаро кино фестивалида Африка мамлакатларидан 23 нафар, Осиё мамлакатларидан 23 нафар, Лотин Америкаси мамлакатларидан 20 нафар, Европа мамлакатларидан 7 нафар ҳамда АҚШ дан жами бўлиб 313 нафар иштирокчи қатнашган [33.].

Ўзбекистон Германиянинг Лейпциг шаҳрида бўлиб ўтган халқаро ярмаркада Марғилон хонатласи ва Тошкент чити, зардўздиқ буюмлари хорижликларни

қизиқтирган. Повилионда Самарқанд ва Фарғонача миллий ашула ва куйларнинг жонли ижроси ўзбек миллий санъати билан ҳам танишиш имконини берган [18.21.].

Тошкент зилзиласига оид экспонатлар 1976 йилда Миландаги халқаро ярмаркага қўйилган. Кўргазмада Ўзбекистон харитаси, Тошкентнинг ўтмиши ва бугунги куни, чўлда қад кўтарган Навоий шаҳри ҳақидаги фотосуратлар, тасвирий ва амалий санъат маҳсулотлари ҳамда китоб ва журналлар ярмарка иштирокчиларини қизиқтирган [34.].

1976 йилда Ҳиндистоннинг Патнала шаҳрида чоп этилган китобда нафақат ҳинд ўзбек халқларининг қадимий алоқалари, шунингдек Совет Иттифоқининг Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги зиддиятларни юмшатиш борасида ёрдамига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган [35.]. Совет ҳокимияти Африка мамлакатлари билан дипломатик алоқа ўрнатиш ҳамда туристик алмашувни йўлга қўйишдан асосий мақсади мустамлакачиликни Европача усули билан совет сайёҳларини танишириш орқали капиталистик тузумга нафратни шакллантиришга ҳаракат қилинган[36.].

1978 йилда Туризм ва экскурсиялар Республика Совети, Республика туризм федерацияси, Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамияти ва Ўзбекистон Журналистлар союзининг туризм темасини ёритувчи журналистлар секцияси ҳамкорлигида “Туризм ва табиат” темасида фотоконкурс эълон қилинган [37.]. Туризм ва экскурсия бюроси томонидан уюштирилган “Туризм ва табиат” фото кўрик танлови иштирокчилари билан Тяньшан тоғининг шимолий қисмидаги мовий кўлларга саёҳат уюштирилган [38.12.].

1976-1985 йилларда ЮНЕСКО Ўзбекистон ССР билан ҳамкорликда Абу Али ибн Сино, Беруний сингари алломаларнинг юбилейи, Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2000 йиллиги халқаро миқиёсда нишонланган. Бу ўз навбатида Ўзбекистонни хориж мамлакатларида яна бир бор танилиши ҳамда сайёҳлар оқимининг ошишига олиб келган [39.].

1982 йилда Ўзбекистон Чехословакиянинг Брно шаҳрида XIII халқаро ярмаркада ипак газламалар, чинни ва сопол буюмлар намойиш қилинган. Ўзбек усталари ўзларининг ажойиб буюмлари билан 1982 йилда Венгрияда ўтказилган халқаро ярмаркада Самарқанд, Кўқон ва Тошкент усталари томонидан ишланган буюмлари билан қатнашган[18.20.]. Ўзбекистон 1984 йилда Загребда очилган халқаро ярмаркага ўзининг турли хилдаги чинни сервисларини жўнатган.

Ўзбекистондан хар йили китоблар Болгария, Чехословакия, Польша, Руминия, МХР, ГДР, Англия, Франция, Япония, Ҳиндистон, Афғонистон, АҚШ, Вьетнам Социалистик Республикаси, Канада каби чет мамлакатларга жўнатилган. Бу орқали Ўзбекистон тўғрисида уларни дунёқарашини ўстиришга алоҳида аҳамият қаратган [18.38.]. 1984 йилда Тошкентда мўғул китоблари декадаси бўлиб ўтган. Декадада Монголия Халқ Республикаси ва Совет ҳокимияти ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ифода этувчи адабиётлар ҳамда мўғул ёзувчи ва шоирларининг қаламига мансуб асарлар намойиш қилинган.

Тошкент шаҳри АҚШнинг Сиэтл шаҳри билан ўзаро биродарлашган. Биродарлашган шаҳарларнинг тинчлик учун кураши 1983 йилда Сиэтл шаҳридан Тошкентга келган туристлар билан учрашувларида ҳам яққол кўзга ташланган. 1984 йилда Сиэтл шаҳри мэри Чарльз Райер бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга

келиши ҳар икки томон ўртасидаги маданий алоқаларнинг кучайишида муҳим аҳамиятга эга бўлган [18.25.].

1985 йилда ўзбек рақс санъатининг вакилларидан иборат делегация АҚШда бўлди. Ўзбек мақом санъати ва рақси Америкада қизиқиш билан кутиб олинган. Ўзбек рақс санъати Франция, Чехославакия, Афғонистон, Хиндистон, Непал, ГФР, Иордания, Марокаш, Югаславия, Янги Зелландия, Австралия, Сингапур, Канада, Мексика давлатларида ҳам намойиш этилган. 1984 йилда “Баҳор” Югославия ва Грецияда, “Ялла” ансамбли 1985 йилда “Ялла” ансамбли Шри-Ланкада, Непал, Бангладешда бўлди. “Шодлик” ансамбли ҳам хорижда концерт берган [18.46.]. “Лола” ансамбли 1984 йилда Ниделандияда концерт берган ва катта таассурот қолдирган. 1985 йилда Самарқанд область Пастдарғом район “Сайқал” халқ чолғу ансамбли Парижда ўтказилган халқаро мусиқашунослар фестивалида қатнашган [18.47.].

Наврӯз байрами 1990 йил 21 март куни илк бор байрам сифатида нишонланди ҳамда дам олиш куни сифатида эътироф этилган. Наврӯз байрами ҳамда Наманган обlastida нишонлаб келинаётган “Гуллар байрами”га Олтой ўлкаси, Қозоғистон, Қирғизистон республикаларидан ҳам меҳмонлар ташриф буюрган [40.77.].

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, маданий тадбирлардан туризм мақсадида фойдаланиш сайёҳлар оқимини ошишига олиб келганлиги очиқланди. Ўзбек халқининг анъана ва қадриятлари ҳамда миллий байрамлардан, шунингдек, совет мағкурасини тарғиботига йўналтирилган фестиваль ва юбилейлардан ҳам туризм мақсадида фойдаланишга ҳаракат қилганлиги маълум бўлди. Совет ҳокимияти барча маданий тадбир ва фестиваллар иттифоқ газета ва журналларида мунтазам ёритиб борилиши совет давлатчилигининг ижобий имиджини шаклланишга олиб келди. Айниқса кино фестивалари ҳамда концерт дастурлари, мусиқий кечалар нафақат маҳаллий аҳолини маданий ҳордиқ чиқариб дам олиш обьекти сифатида ҳатто хорижликларни ҳам жалб этиш омили эканлиги тарихий тажриба асосида аниқлаштирилди. Конференция, ярмарка хукуматлараро маданий алмашув жаҳон туризм тармоғида алоҳида тур сифатида шаклланган ва ўз инфратузилмасига эга бўлса-да, Совет Иттифоқида маданий тадбир сифатида иккинчи даражали тенденцияси сақланиб қолган.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Виткович В. “Совет Ўзбекистонга саёҳат”, Ўзбекистон ССР давлат бадиий адабиёт нашриёти, Т.: 1958 й., (297 б.) Б. 203
2. Каримов Ю. “Халқлар дўстлигини ифодаловчи фильм” Коммуна газетаси: 1953 й., 26 апрель, № 83 (6192)
3. Яҳёев М. “Тожик фильмлари фестивали” “Тошкент ҳақиқати” Ўзбекистон КП Тошкент обlastи ва шаҳар Комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари обlastи ва шаҳар Советларининг органи газетаси: , 1959 й., 18 декабрь, № 248, (1510)
4. ЎзТаг. “Ашула байрами ҳақида” Коммуна газетаси: 1953 й., 19 май, № 97 (6206)
5. Шаропов З. “Ўзбек халқинини ҳинд халқи билан маданий алоқалари” Коммуна газетаси: 1955 й., 17 июн, № 118 (6732)
6. Ўз.Таг. “Халқлар тинчлик ва дўстликка бирдам бўлиб интилмоқдалар” “Тошкент ҳақиқати” Ўзбекистон КП Тошкент обlastи ва шаҳар Комитетлари, меҳнаткашлар

- депутатлари область ва шаҳар Советларининг органи газетаси: , 1958 й., 14 октябрь, № 204, (1208)
7. Ўз.Таг.“Ҳинди斯顿 Бош министри Жавохарлал Неру Тошкентга келди” Коммуна газетаси: 1955 й., 17 июн, № 118 (6732)
8. ТАСС. “Бизнинг меҳмонларимиз” “Тошкент ҳақиқати” Ўзбекистон КП Тошкент область ва шаҳар Комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари область ва шаҳар Советларининг органи газетаси: , 1958 й., 21 октябрь, № 209, (1213)
9. Пиқулин М. “Афғонистон” ЎзССР Тошкент, 1959 й., (64 б.) 61 Б.
10. Ўз.Таг. “Осиё ва Африка мамлакатлари кооператорларининг семинари очилди” “Тошкент ҳақиқати” Ўзбекистон КП Тошкент область ва шаҳар Комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари область ва шаҳар Советларининг органи газетаси: 1959 й., 4 сентябрь, № 174, (1436)
11. Мусаев С. “Афғон санъаткорлари концерти” “Тошкент ҳақиқати” Ўзбекистон КП Тошкент область ва шаҳар Комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари область ва шаҳар Советларининг органи газетаси: 1960 й., 25 июнь, № 125, (1645)
12. Ризоқулов Х. “Гулистанда катта санъат байрами” “Сирдарё ҳақиқати” Сирдарё область Комитети ва область органи газетаси: 1972 й., 12 июнь, № 118 (2.323)
13. Ўз.Таг. “Бир й давом этган гостроль” “Тошкент ҳақиқати” Ўзбекистон КП Тошкент область ва шаҳар Комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари область ва шаҳар Советларининг органи газетаси: , 1960 й., 13 апрель, № 74, (1594)
14. Ўз.Таг. “Осиё ярмаркасида” “Тошкент ҳақиқати” Ўзбекистон КП Тошкент область ва шаҳар Комитетлари, меҳнаткашлар депутатлари область ва шаҳар Советларининг органи газетаси: , 1972 й., 7 апрель, № 42, (4528)
15. Мирзаев Ф. “Таллин узра қўшиқ янграйди” “Наманган ҳақиқати” газетаси: 1973 й., 27 январь, № 20, (10052)
16. Ўз.Таг.“Яшил соҳилдан келган меҳмонлар” “Қашқадарё ҳақиқати”, Ўзбекистон Коммунистик партияси Қашқадарё область Комитети ва меҳнаткашлар депутатлари область Советининг органи газетаси: газетаси: 1968 й., 26 ноябрь, № 230 (5436)
17. “Самарқанд тарихи” И. Мўминов таҳ. остида, 2 томлик, 2 том, “Фан” нашриёти, 1970 й., (496 б.) 446,461,385,374Б.
18. Зияев Х. “Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар, билан иктисадий ва маданий алоқалари (1960—1980 й.) [Масъул мухаррир F.R. Рашидов] Т.: “Фан”, 1986 й., (56 б.) 27,33,27,30,38,20,2546,47Б.
19. Ўзбек Совет энциклопедияси, Т.: 1976 й., № 8, 643 Б.
20. Ғиёсов Ж. “Самарқандликмисиз? Шаҳрингизга сайқал беринг” “Ленин йўли” Ўзбекистон КП Самарқанд область Комитети ва меҳнаткашлар депутатлари область Советининг органи газетаси: 1970 й., 11 сентябрь, № 180 (12.211)
21. Маматов Э. “Экскурсияга чиқадилар” “Ленин байроғи” Ўзбекистон КП Сурхондарё область ва Термиз шаҳар Комитетлар, меҳнаткашлар депутатлари область ва Термиз шаҳар Советларининг органи газетаси: 1969 й., 14 июнь, № 117 (9720)
22. Ўз.Таг. “Бухорога сафар” “Тошкент оқшоми” Тошкент шаҳар Комитети ва Тошкент шаҳар Советининг органи газетаси: 1972 й., 14 ноябрь, № 287 (1846)

23. Ўлмасов И. "Совғаларда шаҳримиз тасвири" "Ленин йўли" Ўзбекистон КП Самарқанд область Комитети ва меҳнаткашлар депутатлари область Советининг органи газетаси: газетаси: 1970 й., 20 октябрь, № 208 (12.239)
24. Зиёдуллаев С. "Самарқанд экономикаси ва маданияти" "Ўзбекистон коммунисти" журнали 1970 й., октябрь, № 10. 61,62 Б.
25. Мусамуродов К. "Геология повилионида" "Тошкент оқшоми" Тошкент шаҳар Комитети ва Тошкент шаҳар Советининг органи газетаси: 1970 й., 19 январь, № 15, (1061)
26. Ўз.Таг. "Дўстлар хузурида" "Тошкент оқшоми" Тошкент шаҳар Комитети ва Тошкент шаҳар Советининг органи газетаси: 1971 й., 22 сентябрь, № 222, (1597)
27. Сагизов Х. "Хуш келибсиз Хоразмдан" "Сирдарё ҳақиқати" Сирдарё область Комитети ва область органи газетаси: 1974 й., 22 май, № 98 (2526)
28. Ўз.Таг. "Тошкент халқаро кино фестивали тарихидан" "Кино" журнали 1992 й., № 11-12 сон, 3 бет
29. Ўз.Таг. Ҳамма байроқлар меҳмон бўлиб келди. "Осиё ва Африка мамлакатлари III халқаро кинофестивалининг тантанали очилиши" "Сирдарё ҳақиқати" Сирдарё область Комитети ва область органи газетаси: 1974 й., 22 май, № 98 (2526)
30. Акбаров Х. "Ўзбекистон маданияти" 1976 й., 23 январь № 7 (2067)
31. Каримова М. "Ўзбек киноматографчилари фестивалга" "Ўзбекистон маданияти" газетаси: 1976 й., 23 январь № 7 (2067)
32. Ўз.Таг. "Жаҳон экрани Тошкентда" "Ўзбек киноматографчилари фестивалга" "Ўзбекистон маданияти" газетаси: 1976 й., 23 январь № 7 (2067)
33. Ўз.Таг. "Ўзбекистон Лейпциг меҳмони" "Наманган ҳақиқати" газетаси: 1976 й., 15 сентябрь, № 185 (10985)
34. Хўжаева Т. "Ўзбекистонда Панжоб кунлари" "Ўзбекистон маданияти" газетаси: 1973 й., 27 февраль № 17 (1766)
35. Ўз.Таг. "Тошкент Қохира" "Ўзбекистон маданияти" газетаси: 1976 й., 23 январь № 7 (2067)
36. Микиртунова Л. "Туризм ва табиат" "Наманган ҳақиқати" газетаси: 1978 й., 21 февраль, № 37, (11355)
37. В.Попов "Водийларни яёв кезганда" "Наманган ҳақиқати" газетаси: 1978 й., 19 август, № 164 (11482)
38. Умаров К. "ЮНЕСКО курашмоқда" "Саодат" журнали, 1986 й., декабрь, № 12. 12 Б.
39. Исмоилова М. "Самарқандлик қўғирчоқбозлар Жиззахда" "Жиззах ҳақиқати" Жиззах область Комитети ва область органи газетаси: 1983 й., 19 май, № 60 (1405)
40. Дадажова Д. "Маданият жабҳасининг муаммо ва имкониятлари" "Партия турмуши" журнали 1990 й., июль, № 6. 76,77 Б.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Nº 7 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**" электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).